


Россия экспертлари: Шайхнинг китоблари МДХ давлатлари учун зарурдир



14:44 / 31.03.2017 9121

Аллома шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимахуллоҳ қолдирган илмий мерос ҳозирги замоннинг энг долзарб муаммосига айланган диний саводсизлик ҳамда унинг оқибатида келиб чиққан бемазҳаблик ва мутаассиблик каби иллатларни муолажа қилишда катта салоҳиятга эга экани кўпчиликка маълум. Ушбу мерос жамиятдаги кўпгина муаммоларнинг ечими сифатида нафақат Ўзбекистонда, балки бошқа мамлакатларда ҳам эътироф этилмоқда.

Кўпгина соҳа мутахассислари, диний арбоблар ва сиёсатшунослар шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимахуллоҳнинг китоблари кенг тарқалган жойларда диний ихтилофлар ва динда ҳаддан ошиш каби офатлар барҳам топаётганини таъкидлашмоқда.

Чунончи, МДХ мамлакатларида мазкур асарларнинг рус тилидаги таржималарига бўлган талаб ортиб бораётганлиги ва шу сабаб шайх ҳазратларининг асарларини янада кўпроқ тарқатиш зарурати ҳамон сақланиб қолаётгани ҳақида «Ҳилол-нашр» матбаа-нашриётмизга мурожаатлар келиб турибди.

Айтиб ўтиш лозимки, Россия Федерациясидаги доимий ҳамкоримиз «Ал-Васатия» илмий-маърифий Марказининг раҳбарияти бу борада Россияда кенг кўламли ишларни олиб бормоқда. Ушбу марказдан келган мактубда

жумладан шундай дейилади:

«Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг рус тилидаги «Васатя — путь жизни», «Ийман. Ислам. Куръан», «Разногласия: причины и решения», «Открытое послание», «Религия — насиха» каби машҳур китобларини Россиянинг барча маъмурий ҳудудларига тарқатиш ишлари кенг йўлга қўйилган. Мазкур китоблар аксар ҳолларда ёшлар орасида ҳамда жазони ўташ муассасаларидаги мусулмонлар орасида тарқатилаётганлиги алоҳида эътиборга лойиқдир.

Мазкур китоблар Россиянинг махсус экспертизаларидан ўтган бўлиб, Жазони ўташ федерал хизматининг (ФСИН) Марказий бошқармасига тавсия этилган ва жазони ўтаётган мусулмонлар эътиборига ҳавола этиш зарурлиги билдирилган».

Шуни ҳам айтиш керакки, мазкур китобларнинг турли ёт ғояларга қарши кураш борасидаги долзарблигини Россиянинг расмий доиралари ҳам тан олмоқда. «Ал-Васатия» марказининг билдиришича, «МДХ вакиллари иштирокидаги халқаро анжуман доирасида ўтказилган давра суҳбатида шайх ҳазратларининг қаламига мансуб асарларнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Бунда Россия Федерациясининг Ташқи ишлар вазирлиги «Открытое послание» («Очиқ хат») китобига алоҳида қизиқиш билдириб, ушбу китобда Исломни ўзига ниқоб қилиб олган ДАИШ даъволарига қарши оламшумул, мукамал ва муфассал ҳужжатли раддиялар келтирилганини кўрсатган».

«Ал-Васатия» маркази раҳбариятининг эътирофига кўра, «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ қолдирган асарлар баракотидан ҳамда «ал-Васатия» маркази билан «Ҳилол-нашр» ўртасидаги диний мутаассибликка қарши ҳамкорлик натижаси ўлароқ, ҳозирда Россияда тинч ва осуда ҳаёт ҳукм сурмоқда ва Ислом дини васатийлик, яъни мўътадиллик руҳида тушунилмоқда».

Россиялик ҳамкорларимизнинг таъкидлашича, шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳнинг асарларини барча МДХ мамлакатлари ҳудудида, айниқса ёшлар орасида ва жазони ўташ муассасаларида кенг миқёсда тарқатиш экстремизмга ва мутаассибликка қарши қаратилган ўта муҳим ва зарур ишдир.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ томонидан асос солинган «Ҳилол-нашр» матбаа-нашриёт мажмуаси бу буюк алломанинг

улкан илмий меросини ўрганиш ва ўргатиш, тарғиб қилиш борасида устозимиз бошлаб кетган хайрли ишларни давом эттирмоқда. Шайх ҳазратларининг халқимизга, барча инсонларга динимизни етказиш, илм-маърифат тарқатиш борасидаги ишлари давом этмоқда.

Ҳамкорларимизнинг илтимосига биноан, «Ҳилол-нашр» матбаа-нашриёт мажмуаси яқин келажакда «Ал-Васатия» маркази билан биргаликда биринчи навбатда ДАИШ ва «Ҳизбут-таҳрир» каби ташкилотларнинг фаолиятини фош қилувчи раддиялар келтирилган «Открытое послание», «Религия — насиха» китобларини қайта нашр қилишни режалаштирмоқда.

Аллоҳ таоло буюк устозимиздан рози бўлсин, у зотнинг илмий меросини халқимизга тўла-тўқис етказишни насиб айласин!

Исмоил Муҳаммад Содик